

ЎСМИРЛАРДА ЛИДЕРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Нодира Базарбаевна Иномова

Гулистан Президент мактаби психологи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7315816>

Аннотация. Ушбу мақолада ўсмирилк давридаги лидерликнинг ўзига хос хусусиятлари, киришувчанлик ва мулоқотчанлик сифатларини шаклланишига таъсири этувчи омиллар-лидер феномени түгрисида қимматли илмий маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: лидер, норасмий лидер, мулоқотчанлик, ўз таъсирини ўтказиши, фаол, харизм, ташкилотчи, киришувчанлик, мулоқотчанлик, омиллар.

ФОРМИРОВАНИЕ ЛИДЕРСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК У ПОДРОСТКОВ

Аннотация. В данной статье представлена ценная научная информация об особенностях лидерства в подростковом возрасте, факторах, влияющих на формирование качеств открытия и общительности, феномене лидера.

Ключевые слова: лидер, неформальный лидер, общение, влияние, актив, харизма, организатор, инициатива, общение, факторы.

FORMATION OF LEADERSHIP CHARACTERISTICS IN ADOLESCENTS

Abstract. This article provides valuable scientific information about the characteristics of leadership in adolescence, the factors affecting the formation of the qualities of openness and sociability, the phenomenon of the leader.

Key words: leader, informal leader, communication, influence, active, charisma, organizer, initiative, communication, factors.

Бугунги кундаги раҳбар бошқаруви авалги бошқарувлардан кескин фарқ қилиши керак. Раҳбарликнинг асосий бўғини бу-лидер шахси ҳисобланади. Шу боис ўсмирилк даврида лидерлик сифатларини келиб чиқишини ўрганиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Ушбу мақола лидерликнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Лидерлик хусусиятларидан бири бўлган мулоқотчанлик доираси ва киришувчанлик даражасининг кенглиги шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўядиган муҳим сифатлардан биридир. Шунинг учун ҳам эътиборимизни ўсмирилк даврида лидер статусига ва лидернинг киришувчанлик ва мулоқотчанлик сифатларига қаратамиз, ушбу сифатларнинг шаклланишига таъсири этувчи психологик омилларини ва лидер феноменини атрофлича таҳлил қиласиз. Бунинг учун биз лидер шахси муаммосини психологик адабиётлар асосида таҳлил қилишимиз, тадқиқот методикасини танлашимиз ва экспериментал моделини яратишимиш, норасмий гурухларда лидерлик сифатларини шакллантиришга таъсири этувчи омилларни ўрганишга қаратамиз.

Лидер термини инглизча сўз “lead”бошқариш сўзидан олинган бўлиб, бошқарувчи маъносини англатади. 1948 йил Р.Стогдил лидернинг 4 та хусусиятини санаб ўтган: 1) ақлли ва интелектуал салоҳиятли бўлиши; 2) ўзгаларга ўз таъсирини ўтказа олиши; 3) ўзига бўлган ишонч ва фаоллик; 4) ўз ишини пухта билиши. Бу фикрларга қарши чиқувчиларнинг ҳам ўз асосли қарашлари бор, ҳаётда мисли кўрилмаган қобилиятлари бор инсонлар ҳар доим ҳам лидер бўлавермайди, ваҳолангки ҳар бир гурухда шундай хусусиятлари бор инсонлар бўлиб, у лидер ҳисобланмаслиги ҳам мумкин. Лидер қандай вазифаларни бажаради деганда қуйидагиларни айтишимиз мумкин: Лидер шахси-ишбилармон, обрў-нуфузга эга, мулоқотчан, олдига қўйилган муаммоларни ечиш

хусусиятига эга ҳисобланади. Лидернинг роли стихияли тарзда кечади. XIX аср охириларида олимлар лидерликнинг қирраларини таҳлил қилиб чиқишиган, лекин лидернинг ягона модели ҳали ишлаб чиқилмаган. Лидер теорияси ҳақидаги ёрқин қарашлардан бири- лидерлик туғма бўлади. Ҳаётда биз яна шуни кузатишими мумкини, аълочи ўқувчи ҳар доим ҳам лидер ролида келавермайди. Агар боланинг шахсий ўсишида стимуллари кучли бўлса ҳақиқий лидерлар етишиб чиқади.

10-11 ёшдан бошлаб ўсмиirlарда дунёни ва ўзини англашга қизиқиши кескин ортади. Бу эса 5 ёшли боланинг нима, қачон, қаерда каби саволларидан кескин фарқ қилади. Ўсмиirlар бу тадқиқодчи ва синовчилардир. Ўсмиirlарда лидерлик хусусиятларини албатта шакллантириш керак, чунки лидерлик хусусияти омадга элтувчи йўллардан биридир. Лидернинг яна бир хусусияти-харизми бўлиши керак. Ўсмиirlарда биринчи ўринда катталик ҳисси шаклланади, ўзини атрофдагиларга кўрсатгиси келади, у энди ёш бола эмас. Ўсмиirlик ёши лидерлик хусусиятларининг шаклланишида алоҳида ўрин тутади. Баъзи ҳолатларда лидер тушунчаси авторитет тушунчаси билан бир хил қаралади. Лидер ўз гурӯҳи учун авторитет бўлиши мумкин, лекин ҳамма авторитетлар ҳам лидерлик хусусиятига эга эмас. Лидер бирон муаммонинг ечиш йўлларини ташкиллаштиради, авторитет эса бундай вазифани бажармайди. У фақатгина намуна, этalon бўла олади, лекин бирор муаммони ечиш вазифасини ўз елкасига олмайди. Шунинг учун ҳам лидерлик феномени бошқа тушунчалар билан ифодалаб бериб бўлмайдиган ўзгача кўриниш ҳисобланади.

Лидер гурӯҳда муҳим ижтимоий-психологик вазифани бажаради, у бошчилигида гурӯҳ мустаҳкамланиб барқарорлашади, муносабатлар расмийлашади. Натижада ўсмиirlар орасида норасмий гурӯҳлар пайдо бўлади. Лидер ўз гурӯхининг ойнаси ҳисоблансада, бир гурӯҳда лидер бўлган ўсмиirl албатта иккинчи гурӯҳда ҳам лидер бўла олмасли кўп кузатилган. Ҳар бир гурӯхнинг ўз қадриятлари, қарашлари, муҳити ўзгача бўлади. Гурӯҳда қўйидаги ҳар хил лидерлар кўзга ташланади: 1) эмоционал лидер-ҳар хил инсонлар билан самимий муносабат ўrnата оладиган; 2) танқидчи лидер-ҳар бир вазиятнинг кучли ва кучсиз томонларига танқидий кўз билан қарайдиган; 3) интелектуал лидер-янгидан янги ғоялар ўйлаб топадиган; 4) ташкилотчи лидер-гурӯҳда вазифаларни тенг тақсимлаб бера оладиган; 5) бажарувчи лидер-зиммасидаги вазифани ўз вақтида ва тез бажарадиган.

Норасмий гурӯҳ лидерида қўл остидагиларга ўз сўзини ўtkaza оладиган ташкилотчилик қобилияти бўлиши керак. Уларда мулоқотчанлик, ташкилотчилик, коммуникатив қобилиятлари бошқа мавқедаги ўқувчиларга нисбатан 1,5 баравар юқори туради. Норасмий лидерлар хулқ-атворига қараб, гурӯҳдаги шахслараро муносабатларга қараб шартли равишда уч турга фарқланади:

-ижобий лидерлар ўзларининг жиддийлиги, босиқлиги, доимо ёрдамга тайёрлиги билан бошқалардан ажralиб туради, барча фанлардан аъло ва яхши баҳоларга ўқишиади;

-яширин лидерлар шахслараро муносабатларда ёрқин ажralиб турмайди. Улар ўзларини тенгдошларидан юқори қўймайди, беозор, тинч, келишувчан, мулоқотда ёқимтойликлари билан тенгдошларининг хурматини қозонгандар;

-ёқимсиз лидерлар ўзларининг шахслараро муносабатларда салбий хулқ-атвори билан ажralиб турадилар. Улар куч ишлатиш, кўполлик, зўровонлик билан ҳурмат

қозонадилар, кайфиятлари тез-тез ўзгариб турат . Бу нарсалар баъзан синфдаги психологик муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Норасмий гурухда лидернинг ҳаракати стихияли тарзда кечади. Шундан келиб чиқиб объектив ва субъектив омилларини кўриб ўтамиз. Объектив омил-кундалик ҳаётда ўзининг ижобий сифатларини намоён қила олган ўсмири норасмий гурухнинг лидерига айланади. Субъектив омил-олдинда турган вазифаларни амалга ошириш учун фаол, ғайратли, журъатли, ўзига эргаштира оладиган хусусияти бўлиши керак. Ўсмири норасмий гурухларида баъзан лидерликнинг ривожланиш жараёни жуда секин кечиб, ўз ниҳоясига етмай ҳам қолиши мумкин. Муайян бир вазиятда лидер бир кўзга кўриниб, бу этапда ҳали уни лидер деб англаб ҳам етишмасдан, унинг вазифаларини гурухнинг бошқа аъзолари ҳам бажариб кетавериши ҳам мумкин. Ўсмирлар норасмий гурухларида ҳақиқий лидер ҳеч қачон куч билан ўзига бўйсундирмайди, гурух аъзолари ўз ихтиёрлари билан унга эргашадилар. Гурух аъзолари лидерни ўзига эталон сифатида қабул қилиб, унга ўхшашга интиладилар. Илмий адабиётларда ўсмири норасмий гурухларида лидернинг 5 та асосий функцияси ажратиб кўрсатилади:

-ташкilotчилик вазифаси-гурух фаолиятини бошқариб ва ташкиллаштириб туришида кўринади;

-ахборот билан таъминлаш вазифаси-лидер муҳим бўлган маълумотларни тўплаб, анализ қилиб уни гурух аъзоларига етказади. Ахборот билан таъминланганлик ҳар доим гурухни ва вазиятни назорат қилишга лидерга ёрдам беради;

-стратегик вазифаси шундан иборатки, гурух лидернинг ғоялари ва фикрлари билан яшайди, унинг режаларини амалга оширишга ҳаракат қиласди;

-қадриятлар вазифаси жуда муҳим ўрин эгаллайди. Лидер муносабатларда чегаралар белгилаб, таъқиқлар қўяди. Лидер шахси гурухнинг бошқа аъзолари учун намунадир;

-интизом вазифасида қабул қилинган қадриятларга, тартиб-интизомга риоя қилмаганларга тегишли чоралар кўради. Лидер жазо турини ўзи белгилаб беради.

Шундай қилиб ўсмирлар норасмий гурух лидери бошқарувда бир қатор муҳим ва аҳамиятли вазифаларни бажаради. Бу функцияларни бир-биридан алоҳида кўриб чиқиб бўлмайди, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан чатишган. Лидерликка гурухий кўринишда қараш керак, чунки лидер бир ўзи хеч ким, у гурухий тузилманинг бир элементидир. Шунинг учун ҳам лидерлик феномени жўшқин жараёндир.

Норасмий гурухларда лидерликнинг танланиши унинг мулоқотчанлик, киришимлилик сифатларига боғлиқ. Фаразни илгари суриш учун қуйидаги вазифаларни кўриб чиқиши керак: 1) лидер тушунчасини кенг очиб бериш; 2) ўсмирлар норасмий гурухларида лидерликнинг ўзига хос томонларини кўриб чиқиши; 3) лидер статуси билан унинг коммуникатив хусусиятларининг боғлиқлигини аниқлаш учун эмперик тадқиқотлар олиб бориш. Ушбу тадқиқотни ўтказиш учун қуйидаги методикалар кўриб чиқилади:

1. Ж.Моренанинг “Социометрия”
2. Т.Лири Собчакнинг шахслараро муносабатлар интерперсонал ташхисининг модификациялаштирилган варианти
3. У.Шутцнинг шахслараро муносабатлар сўровномаси.

Бу методикалар гурухда лидерни аниқлашга ва ўсмири норасмий гурухларида мулоқотчанлик даражасини ўзига хос томонларини ва киришувчанлик доирасини аниқлаб беради.

Ўсмирлик даврида мулокотчанлик даражасини ўрганиш мақсадида шахсларо муносабатлар интерперсонал ташхисининг модификациялаштирилган варианти Т.Лири Собчак методикасидан фойдаланилди. Шахсларо муносабатлар соҳасида вужудга келадиган низолар ўсмир томонидан эмоционал-аффектив тарзда қабул қилинади, улар баркамол шахс камолатига тўсқинлик қилиб, ўсмирнинг ҳаётий фаолият самарасизлигига сабаб бўлади. Ушбу методика эмперик жиҳатдан исботланганки, ўз-ўзини баҳолаш, ўзаро номувофиқлик, шахснинг ички дисгармониясидан дарак бериб, унинг низо уйғотувчи хулқ-авторига сабаб бўлади. Шахсларо муносабатлар сўровномаси Т.Лири Собчак ишлаб чиқкан оригинал вариантдан асосан бошқа психодиагностик тадқиқотлар натижалари билан қиёслашда асослаб берилган талқин билан фарқланади. Шунингдек натижаларни қайд этиш ва ҳисоблаб чиқишининг ўзгачарок қулай ва тезкор услуби ишлаб чиқилди. Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, синалувчиларнинг 67%, 58% юқори даражани ташкил қилиб, уларда ўзига ишонч, яхши маслаҳатчи, етакчи ва ташкилотчи бўла олиш малакаси, раҳбарлик сифатлари аниқланди. Шунингдек, бундай инсонлар танқидга муносабатда лоқайдлик, ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш, фикрларини диктант услуби ва бошқаларга бўйруқ беришга империактив эҳтиёж, деспотизм қирраларини ифода этади. Мустақиллик-устуворлик шкаласи бўйича натижалар синалувчиларнинг 52%, 49% да аҳамиятли даражани ташкил қилиб, уларга шахсларо муносабатларнинг ишончли, мустақил, рақобатчилик услубидан ўзбошимча, атрофдагилардан устунлик ҳисси, кўпчилик фикридан фарқли ўз фикрига эгалик тенденцияси ва гуруҳда ажратилган позицияга эгалик услуби шаклланганлигидан далолат беради. Тўғри-тажовузкорлик шкаласи бўйича 23% ва 18% ни ташкил этиши мақсадга эришиш йўлида қатъийлик ва ҳаддан ташқари қайсаарлик, муносабатларнинг дўстона эмаслиги, ўзини тута билмаслик ва жаҳли тезлиги билан характерланади. Ишончсизлик-скептиклик шкаласи бўйича натижалардан шуни кўриш мумкинки 31% ва 34% ида фикрлар ва хатти-ҳаракатлар базаси реалистиклиги, спектизм ва нокомформлик, хафа бўлувчан ва атрофдагиларга нисбатан ишончсиз муносабат, норозилик ва шубҳаликка ўтиши билан белгиланади. Итоаткор-тортинчоқлик хусусиятлари синалувчиларда 23%, 27% даражани ташкил қилиб, уларда шахсларо муносабатларнинг камтарлик, торгинчоқлик, ўзгалар масъулиятини ўз зиммасига олиш, шунингдек тўла итоаткорлик билан белгиланади. Босиқлик-бўйсунувчанлик шкаласи бўйича натижалар 22,7% ва 33% ни ташкил қилиши атрофдагиларнинг ёрдами, ишончи, эътиборига эҳтиёж ва бошқалар фикрига тўла боғлиқлиги билан белгиланади. Синалувчилар орасида ҳамкорлик-конвенциал шкаласи 28% ва 34% да аҳамиятли даражани ташкил этади. Бу референт гуруҳ билан яқин ҳамкорлик, атрофдагилар билан дўстона муносабатларга интилувчи шахсларга хос бўлган шахсларо муносабатлар услубини ифодалайди. Масъулиятли-бағрикенглик шкаласи 28%, 36% ни ташкил этгани улардаги атрофдагиларга ёрдам беришга тайёрлик, масъулият ҳисси ривожланганлигига намоён бўлади. Шунингдек кўнгли бўшлиқ, юқори даражадаги альтруизм билан белгиланади. Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, шахсларо муносабатларда лидер шахсининг роли муҳимдир. Чунки гурухий жараённи ташкил қилиш, бошқаришда гуруҳ пешқадами асосий масала ҳисобланади. Бундан ташқари У.Шутцнинг шахснинг мулокотчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини аниқлаш методикаси ҳам қўлланилди. Ушбу сўровнома синалувчиларнинг кейинги эҳтиёжларини аниқлашда ёрдам беради:

- хамкорлик ижобий бўлиши учун шахслараро муносабатларни яхши йўлга қўйиш;
- ўз кучига ишонган ҳолда илиқ муносабатларни сақлаб қолиш;
- хиссий яқин муносабатлар орқали инсонлар билан илиқ муносабатларни сақлаб қолиш.

Кузатишлиар натижасига кўра бошқалар эътиборини тортишга хоҳиш юқори эканлиги намоён бўлди. Ушбу сўровномадан шуни кўришимиз мумкинки, 3% синалувчилар инсонлар билан мулоқотга киришишда нокулайлик сезадилар, биринчи бўлиб контактга кириша олмайдилар. Синалувчиларнинг 6% да ўзига паст баҳо бериш, ишончсизликни кузатиш мумкин. 60% синалувчилар биринчи бўлиб мулоқотга киришиш қобилиятига эгалар, инсонлар орасида ўзларини яхши ҳис қилган ҳолда, ўзларининг ижобий қирраларини шакллантиришга ҳаракат қиласидилар. Синалувчиларнинг 43% ўзгалар устидан ўз ҳукмини ўтказишга хоҳиши бор, ваҳолангки улар ўзларини назорат қилишларини хоҳламайдилар. Ўзларини масъулиятли кўрсатишга ҳаракат қилиб, бу орқали бошқалар томонидан ҳурматга сазовор бўладилар. Синалувчилар 10% тор доирада мулоқотга эҳтиёж сезсалар, 43% ўрта даражада мулоқот доирасини хоҳлайдилар, 46% да эса ўзгаларга кучли ёкиш истаги бор. 6% синалувчининг яқин муносабатлар ўрнатишда ҳавотири бор, чунки атрофдагилар эътиборига лойиқ эмасман деб ҳисоблайдилар. Ушбу методикани Т.Лири Собчак методикаси билан солиширадиган бўлсак шахслараро муносабатларда ўзгалар устидан ўз ҳукмини ўтказиш курсатгичлари юқорилигини кузатишмиз мумкин. Бу иккала методика ҳам бир-бирини тўлдириб туради. Боғлиқ-бўйсунувчи типининг жуда кам кўрсатгичларда учраши ўсмирилик даврининг ёш хусусиятлари билан боғлиқ. Кўпчилик синалувчиларда ўзгалар шахсига қизиши билан қараш, ўз қадрини билиш, ҳамкорликка тайёрлиги кўриниб турибди. Ўсмирлар ўзига хос бўлишга интиладилар. Шу билан бирга гурухда ўзини паст баҳоловчилар, ҳавотири бор, айборлик ҳисси юқори, кайфияти тез ўзгарувчан (бу ҳам ёш хусусиятларига боғлиқ) синалувчилар ҳам кўзга ташланади. Улар шахслараро муносабатларда тез мулоқотга кириша олмай, ўзига ишончсизлик билан қараб, ўзгалар эътиборини қандай тортишини билишмайди. Тадқиқотлардан шуни ҳам кузатишмиз мумкинки, лидерлик хусусиятларининг шаклланишида юқори мулоқотчанлик даражаси ва киришимлилик доираси мухим ўрин тутади.

Шахслараро муносабатларни ўрганиш методларидан яна бири Ж.Моренанинг “Социометрия” методидир. Бу метод ёрдамида гурух аъзолари ўртасидаги симпатия ва антипатияни аниқлаш мумкин. Тадқиқот методи сифатида тан олиш билан бир қаторда унинг баъзи камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Асосий камчилиги шундан иборатки, мавжуд муносабатлар сабабларини аниқлаш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам социометриядан олинган маълумотлар бошқа метод натижалари билан тўлдирилиши лозим. Ушбу метод ёрдамида шахснинг иш юзасидан ва шахсий муносабатлардаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш, бирламчи гурухлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини топиш, уларнинг пайдо бўлиш ва тарқаб кетиш сабабларини аниқлаш мумкин.

Гурухда роллар тақсимоти ва лидер статусини аниқлаш учун ушбу метод бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Ҳар бир синалувчига саволларга доир 6 та гурух аъзосини аниқлаб белгилаш топширилди ($d=6$). Олинган маълумотлардан қуйидагича хуроса чиқариш мумкин: 1, 10 ,11 синалувчиларда юқори статус аниқланди, уларда юқори даражадаги эмоционал ғайрат-шижоатни ҳам кўриш мумкин. Лидерлар гурухига

хукмронлик-лидерлик ва ҳамкорлик-конвенциаллик типидагилар киргани аҳамиятлидир. Текширилган ушбу гурӯҳ ҳали ривожланиш босқичида тургани учун унга жамоа деб қарасак ҳам түғри бўлади.

Шахсларо муносабатлар интерперсонал ташхисининг модификациялаштирилган тести (Т.Лири Собчак)

Ўз-ўзини баҳолашнинг даражалари	Ҳамкорлик-пилотлари	Мустақилик-	Тўғри тажовузкорлар	Ишончизлилар	Итоаткор-тортинчок	Боғчилик-бўйсунувчан	Ҳамкорик-конвенциаллар	Масъуллик-багрикенгли
Долзарб мен	67 %	52,3%	23 %	31 %	23 %	22,7%	28 %	28 %
Идеал мен	58 %	49 %	18 %	34 %	27 %	33 %	34 %	36 %

Ўтказилган тадқиқот натижалари ва ўрганилган адабиётлар асосида қуидаги хulosани беришимиз мумкин:

- жамият ва гурӯҳ фаолияти кўп жиҳатдан лидер шахсига боғлиқ;
- лидер ўзида бошқарувчи шахсига хос бўлган сифат ва хусусиятларни шакллантириши муҳим саналади;
- лидер ўзининг ҳулқ-одоби ва муомала маданияти билан фаолиятида ўзига хос қонун-қоидаларни ўзлаштириши ва амалда қўллаши керак;
- гуруҳ ўзагини шакллантиришда унинг тузилишига биноан мажбурият, жисмоний ва ақлий куч-қувват салоҳиятини бир жойга тақсимлашга эришиш лозим;
- лидер шахсига хос бўлган талаблар, яъни билишга оид эмоционал ҳис-туйғу, иродавий фазилатларни қамраб олиши лозим;
- лидер шахсининг бошқарув усулларидан тўла хабардор бўлиши самарали муносабатларни юзага келтиради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатди, ўсмирилик даврида лидерлик хусусиятларининг шаклланишида мулоқотчанлик даражаси ва киришимлилик доирасининг кенглиги муҳим сифатлардан бири эканлиги ҳақидаги фаразимиз ўз исботини топди.

REFERENCES

1. М.Акимова “Психологическая диагностика детей и подростков” МП Академия 1995 й.
2. К.Абдурахмонов “Персонални бошқарув”. Тошкент 2004 й.
3. А.Қосимов, Н.Мўминов “Раҳбарлик қобилияти ва бошқарув малакалари”. Тошкент 2001 й.
4. Л.И.Божович.“Личность и его формирование в детском возрасте”.Москва 1968 й
5. И.С.Кан. “Психология ранней юности”. Москва 1984 й